



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 9 сентябрь, № 175 (5342)

Жума

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 27 июлда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги 766-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 118-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **12-модданинг олтинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Йўловчиларнинг ҳамда темир йўл транспорти ходимларининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар вокзалга киришда белгиланган тартибда қўл юкини, бағажни кўздан кечириш ҳамда йўловчилар ва бошқа шахсларни шахсий кўздан кечиришдан ўтказиш. Кўздан кечиришдан бош тортилган тақдирда, вокзалга кириш тақиқланади, йўловчилар эса ташишга қўйилмайди. Кўздан кечиришни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли органларнинг рўйхати ва кўздан кечиришни ўтказиш тартиби, шунингдек йўловчилар ва бошқа шахсларнинг вокзалларда бўлиши қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

2) куйидаги мазмундаги **20-модда** билан тўлдирилсин:

**«20-модда. Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар**

Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларига юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади»;

3) **26-модданинг биринчи қисмидаги** «қонун ҳужжатларида» деган сўзлар «Ушбу Қонунда ёки бошқа қонун ҳужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 8 сентябрь  
№ ЎРҚ—293

**Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси томонидан немис тилида чоп этиладиган «Ўзбекистон. Кеча. Бугун. Эртага» («Usbekistan. Gestern. Heute. Morgen») журналининг юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган махсус сони нашр қилинди.**

## GERMANYDA ЎЗБЕКISTON ҲАҚИДАГИ ЖУРНАЛНИНГ МАХСУС СОНИ БОСМАДАН ЧИҚДИ

Унда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган улкан муваффақиятлари ҳамда амалга оширилган ислохотларнинг самаралари Германиянинг кенг жамоатчилиги эътиборига хавола қилинган.

«Usbekistan. Gestern. Heute. Morgen»нинг ушбу сони олти рундан иборат бўлиб, улар «Сиёсат ва дипломатия», «Ўзбекистон — Германия хамкорлиги», «Иқтисодиёт», «Сайёҳлик», «Маданият ва жамият» ҳамда «Ёшлар» мавзуларини қамраб олган.

«Сиёсат ва дипломатия» рунки остида Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ва юртимиз мустақил тараққиёт йилларида эришган муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўзбекистон. Мустақилликнинг 20 йили» сарлавҳали мақола чоп этилган.

Шунингдек, 2011 йил апрель ойда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаро-

лик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасига бағишлаб бўлиб ўтган халқаро конференция тўғрисида батафсил ахборот ҳамда давлатимиз раҳбарининг 6-Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик бўйича Тошкентда ўтказилган минтақавий конференция қатнашчиларига йўллаган табригининг матни неломатия» мис журнали х о н л а р и эътиборига

такдим этилган. Мазкур рунки остида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати мавзусига бағишланган қатор ахборот материаллари ҳам чоп қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бельгия, Япония, Хитой Халқ Республикаси ва Ҳиндистонга буюрган таширлари, шунингдек, Туркманистон Президенти Г. Бердимухамедовнинг мамлакатимизга расмий ташири, Россия Федерацияси Президенти Д. Медведевнинг амалий ташири ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг давлат ташири тафсилотлари акс этган расмий ахборот материаллари шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда).

## Наманган вилояти:

# КўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



**Бугун дунё аҳли мустақил Ўзбекистон номини келажаги буюк давлат сифатида чуқур ҳурмат билан тилга олмақда. Бундай эътироф, шубҳасиз, ўзини шу юрт фарзанди, деб билган ҳар бир киши қалбидан юксак ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Зеро, йигирма йиллик эркин ва фаровон ҳаётимиз давомида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда олиб борилган кенг кўламли ислохотлар, уларнинг ёрқин самаралари ана шундай таърифу таҳсинларга лойиқ. Ҳатто дунёнинг энг тараққий этган давлатларини танг аҳволга солиб қўйган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан ҳам иқтисодиётимизда барқарорлик суръатлари сақланиб қолгани «Ўзбек модели» дея ном олган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри ва пухта асосга эга эканини яна бир қарра тасдиқлади.**

Мустақиллик юртимизнинг ҳар бир гўшасига ўзгача чирой бағишлади. Одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури ўзгариб, яратувчанлик, бунёдкорлик тушунчалари уларнинг кўнгил амрига айланди. Бошқача қилиб айтганда, «Биздан овоз ва обод Ватан қолсин» деган эзгу шиор амалий ифодасини топиб бораётди. Хусусан, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида, маънавий ва маданий тараққиётида муҳим ўрин тутувчи Наманган вилоятида ҳам ўтган давр мобай-

нида тарихий янгиланишлар кузатилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, алоқа ва транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш борасидаги улкан бунёдкорлик ишлари вилоят ҳаётига ўзгача файз киритди.

### Истиқлол

**яшартирган шаҳар**  
Вилоят маркази — Наманган шаҳрида яқин орада меҳмон бўлдингизми? Агар келмаган

(Давоми 2-бетда).

## СЕУЛДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ ЎЗБЕКISTON МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Сеул шаҳрида жойлашган «Millenium Seoul Hilton» меҳмонхонасининг муҳташам залида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир юртимизнинг Корея Республикасидаги дипломатия ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.

Қабул маросимида Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг қатор депутатлари, ҳукумат аъзолари, маҳаллий бошқарув идоралари, иқтисодий ташкилотлар ва етакчи компаниялар, Сеулда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, Корея Республикаси жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тадбир чоғида юртимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган бекиёс муваффақиятлар, мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислохотлар ва

ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг асл моҳиятига алоҳида ургу берилиши баробарида, Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари тобора ривож топиб бораётгани ҳам алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Корея Республикаси сиёсий, ишбилармон ва жамоатчилик доираларининг уч нафар вакили Ўзбекистон билан дўстлик ва шериклик муносабатлари ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлик ривожига, халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамла-

### Эътироф

нишига қўшган ҳиссаси учун «Дўстлик» ордени билан тақдирлангани тўғрисидаги Фармони ўқиб эшиттирилди. Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак номидан мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Джин Сухи ўзбек халқини Мустақиллигининг 20 йиллик юбилейи билан қутлар экан, жамиятни янада демократлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш йўлида Ўзбекистон эришган зафарларни таъкидлаш баробарида, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг бу борадаги етакчилиги ва йўналтирувчилик ролини алоҳида қайд этди. Шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси Мустақиллиги байрами муносабати билан Корея Республикаси Миллий ассамблеяси собиқ спикери Ли Манн Соп, депутат Ким Ёнг Гу, «Жанубий Корея — Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси президенти Ким Юн-сик сўзга чиқдилар.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» номи китобининг корей тилидаги нашри, юртимиз истиқлолига бағишлаб махсус материаллар чоп этган «The Korea Post» журнали ҳамда инглиз тилида нашр қилинадиган «The Korea Times» газеталарининг нусхалари иштирокчиларга тақдим этилди.

«Жаҳон» АА.  
Сейл

## «AFROSIYOV» — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ИЗЧИЛЛИГИ ИФОДАСИ

**Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyov» электропоездининг ilk қатнови амалга оширилгани юртимизнинг юксак салоҳияти ва иқтисодий қудратининг ёрқин намоиши бўлди. Бинобарин, бундай электропоездлар нанки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона, балки жаҳон миқёсида ҳам бармоқ билан санарли мамлакатлардагина мавжуддир.**

### Ифтихор

Кеча Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг тантанали доирасида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бир гуруҳ юртдошларимизнинг «Afrosiyov» электропоездида Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган меҳнат фахрийлари, кекса отахон ва онахонлар, маҳаллалар фаоллари, кам таъминланган оилалар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари «Afrosiyov» электропоездида кўҳна ва хамиша навқирон Самарқанд шаҳрига сафарга чиқдилар.

Авалло, шуни таъкидлаш керакки, бундан бир неча йиллар муқаддам «Тошкент-

дан чиққан поезд икки соатда Самарқандга етиб келади», дейилса, кўпчилик бу гапни афсонага йўр эди. Аммо истиқлол шарофати билан бугун бундай улкан ўзгаришлар кўз ўнгимизда юз бермоқда. Бу, албатта, ана шу афсонани ҳақиқатга айлантирган Юртобшимиз томонидан халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган бекиёс ўзгаришларнинг ёрқин ифодасидир. Ушбу ҳаётий ҳақиқат электропоезд йўловчиларининг нигоҳларида ҳам яққол намоён бўлиб турганди.

— Мазкур поездда инсон, унинг манзи-



лига қулай тарзда омон-эсон етиб олиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган, — дейди йўловчилардан бири, пойтахтлик Раёно Розикова.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи «Тошкент — Самарқанд — Тошкент» йўналиши бўйича юқори тезликда қатновчи «Afrosiyov» электропоези темир йўл тизимини ривожлантириш, транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада юксалтириш борасида янги давр бошланганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

## Сенатда маъқулланган

**Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.**

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Ушбу ҳужжат давлат ҳамда назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ўринсиз аралашувини кескин камайтиришда муҳим ўрин туттади.

Даржақат, бугун мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини янада ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва улushi ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятини оширишга қаратилган амалий ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижаси ялпи ички маҳсулот таркибидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улushi кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида яққол намоён бўлмоқда.

Жорий йилда ҳам тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланишига зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, кичик бизнес субъектлари ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани ҳам бу фикрнинг яққол тасдиғидир. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида эса давлат ҳамда назорат органлари томонидан кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашуши

(Давоми 2-бетда).



# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

қўламини қисқартириш, кичик бизнес субъектлари фаолиятини тегишли қисмларни қайта ташкиротишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлиги кайд этилган.

Мазкур вазибаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини тегишли қисмларни қайта ташкиротиш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниб, унда қатор меъёрлар белгилаб берилди. Хусусан, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатида олинган пайтдан

бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларида ўтказилмайдиган (акциз солиғига тортилмайдиган) товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно). Айни пайтда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш мuddатларининг қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал мuddатдан, яъни 30 календарь кунидан ортқ мuddатда узайтирилишига йўл қўйилмайдиган.

Ушбу меъёрлар, ўз навбатида, тегишли қонун ҳужжатларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этаётган эди. "Тадбиркорлик субъектлари

фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ана шу мақсадда ишлаб чиқилди.

Мазкур Қонун билан "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Ҳўжалик йирутвчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хўсусий корхона тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжалик фаолияти молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхати-

дан ўтказилган пайтдан эътиборан, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларга қўра, уларнинг молия-ҳўжалик фаолияти дастлабки икки йилда режали тарзда текширилмас эди ва бу мuddат қўшимча равишда яна бир йилга узайтирилди. Яъни уларнинг молия-ҳўжалик фаолияти дастлабки уч йил мобайнида режали текширишдан ўтказилмаслиги белгилаб қўйилди.

Бунда фақат акциз солиғига тортилмайдиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжалик фаолияти, шунингдек, уларнинг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолияти юзасидан дастлабки режали текшириш ўтказилиши мумкин

бўлган икки йиллик мuddат саклаб қолинган. Айни пайтда кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжалик фаолиятида ўтказилмайдиган текширишлар мuddати 30 календарь кундан оширилмаслиги белгиланмакда. Ваҳолонки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, барча ҳўжалик йирутвчи субъектлар фаолиятида текшириш мuddати 30 календарь кунни ҳисоблансада, алоҳида ҳолларда ваколатли орган, яъни Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ, ушбу мuddат узайтирилиши мумкин эди.

Шунингдек, ушбу Қонун билан текшириш бошланган ва якунланган мuddатларни аниқ белгилайдиган меъёрлар киритилмакда.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур Қонун тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқ ва манфаатларини янада самарали муҳофазалашга, текширишлар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Қ. ТҮЙЧИЕВ,**  
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**



## «AFROSIOY» – ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ИЗЧИЛЛИГИ ИФОДАСИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Президентимиз раҳнамолигида бошқа соҳалар қатори темир йўл транспорти ҳам изчил ривожлантирилмакда. Янги темир йўллар барпо қилинди. Мавжудларига жаҳон андозаларига мос равишда таъмирланди. "Тошкент" темир йўл вокзали ва бошқа шаҳарлардаги шохбөкатларда йўловчилар учун зарур қулайликлар яратилди. Хизматлар сифати замон талаблари даражасига кўтарилиди.



— Менинг вагон хизматчиларига ҳавасим келди, — дейди Тошкент вилоятлик Мавлуда Омонхўжаева. — Невараларим тенги бўлган бу ёшгина ўзбек йигит-қизларига хизмат формалари ярашганини қаранг. Уларнинг муомаласи, лутфи... Худди меҳмонга келганга ўхшайсан. Невараларимни, албатта, темир йўл соҳаси бўйича ўқитаман.

Бу поезд бутун халқимизнинг ютуғидир. Аҳолининг барча қатламлари, ҳатто ноиронлар ва имконияти чекланган йўловчилар учун махсус қулайлик яратилган мазкур поездининг максимал тезлиги 250 км/соати ташкил этади. У мамлакатимиз пойтахтидан Самарқандгача бўлган масофани 2 соатда босиб ўтди. Сафар катнашчилари қайта-қайта эътироф этганидек, "Afrosiyob" Ўзбекистонда транспорт коммуникациялари ва сайёҳлик соҳасининг янада тараққиётини эшига олишига хизмат қилиши шубҳасиз. Мазкур темир йўл транспортининг ишга туширилиши тимсолида мустақиллик даври кишиларининг ўткир эҳси, собит қадами, қатъий хоҳиш-иродаси ва

азму шижоати эвазига халқимизнинг яна бир орзуси ушладди. Поезд Самарқанд шаҳрига етиб келган, бу ерда меҳмонлар тантанали равишда гуллар билан қутиб олинди. Меҳмонлар "Самарқанд" темир йўл вокзалида амалга оширилган кенг қўламли ишлар, йўловчилар учун яратилган шароитларни кўздан кечирдилар.

Шунингдек, сафар иштирокчилари қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳридаги Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси, Регистон, Шоҳи Зинда ва Имом Бухорий мажмуаларини зиёрат қилдилар, истиклол йилларида янада чирой очган, том маънода қайта яшарган шаҳарнинг бугунги қиёфаси билан танишдилар.

— Насиб қилса, келажакда шундай тезорар поездлар Қарши, Бухоро ва Термиз йўналишларида ҳам йўлга қўйилди, — дейди девонлик Икромиддин Саидов.

**Мамоодёр ЗИЁДИНОВ,**  
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**  
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Янги технология шарофати

**Янгийўл туманидаги "East west Yangiyo'l" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқаришни техник ва технология жиҳатдан янгилаш учун 2,4 миллион АҚШ долларлик ҳамда 1,15 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.**

### Интелиш

Пировардида бу ерда хоржининг илғор технологиялари ёрдамида мева-сабзавотни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Эътиборлиси, "East west Yangiyo'l" да тайёрланган махсус улотнинг асосий қисми экспорт қилинади.

Таъкидлаш керакки, 100 нафарга яқин киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада жорий мавсумда 2,1 миллион АҚШ долларлик махсуслотни хоржилик шерикларга етказиб бериш мўлжалланмакда.

**Ф. ШЕРАЛИЕВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу билан бирга, жорий йил апрель ойида Тошкентда "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" ташки ишлар вазибалари даражасида бўлиб ўтган навбатдаги учрашув ҳақидаги хабар ҳам ушбу бўлимдан ўрин олган.

"Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги" рунки Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазибаларида ГФР Бундестагининг иқтисодий сиёсат масалалари спикери, энергетика масалалари бўйича биллашган ХДС/ХСС фракциясининг мувофиқлаштирувчиси Й. Пфайфер билан бўлиб ўтган учрашув тўғрисидаги ахборот билан бошланади.

Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доиралари иштирокида 2011 йил май ойида Тошкентда ўтказилган бизнес-форум ҳамда кооперация биржаси ҳақидаги ахборот материали ҳам мазкур рундан жой олган. Унда Германия Ўзбекистоннинг муҳим сиёсий ва савдо-иқтисодий шерикларидан бири эканлиги, ушбу мамла-

кат билан ўзаро сармоввий ҳамкорлик фаол ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланади.

"Узавтосаноат" акциядорлик компанияси ва Германиянинг "MAN Truck & Bus AG" компа-

## GERMANYDA ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ЖУРНАЛНИНГ МАХСУС СОНИ БОСМАДАН ЧИҚДИ

ниyasi ҳамкорлигида Ўзбекистонда янги автомобиль заводи ишга туширилгани ҳақидаги ахборот ҳам журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган бўлиб, унда мазкур лойиҳа бўйича истиқболда йилига 20 минг дона юк автомобиллари ишлаб чиқарилиши кайд этилади.

"Иқтисодиёт" рунки остида Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағиш-

ланган Ўзбекистон Республикаси Вазибалар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси ҳамда мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодиёт, саноат ва сайёҳлик индустриясининг ривожига бағиш-

лик қатор ахборот материаллари ёритилган. "Маданият ва жамият" мавзига бағишланган бўлим эса юртимизда 130 дан зиёд турли миллат ва элзатга мансуб аҳоли ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирилари учун барча шарт-шароит яратилгани хусусида ҳикоя қилувчи мақола билан бошланади.

Республикаимиз маданият ва ижтимоий ҳаётига бағишланган мазкур бўлимда яна бир эътиборли мақола эълон қилинган бўлиб, у кўна ва ҳамшира навқирон Бухоро шах-

рида маҳаллий ҳамда хоржий мутахассислар, олимлар ва чет эллик меҳмонлар иштирокида ўтказилган аънавий "Асрлар садоси" фестивали тафсилотларига бағишланган.

Мақолада ушбу аънавий маданият фестивали "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг йирик лойиҳаларидан бири бўлиб, унинг доирасида амалий санъат, миллий таомлар, халқимизнинг ноёб озғак ва номоддий мероси халқаро миёсда муносиб намойиш этилаётгани алоҳида таъкидланади.

"Ёшлар" рунки остида чоп этилган Ўзбекистонда болалар ҳўқуқлари жиҳосида, болалар спорт тараққиёти, мамлакатимизда ёшларнинг давр талаблари даражасида билан олишлари учун барча замонавий шарт-шароитлар яратилгани ҳақида ҳикоя қилувчи хабар-мақолалар ҳам немис журналхонларининг эътиборини тортишига шубҳа йўқ.

**«Жаҳон» АА,**  
**Берлин**



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

## Наманган вилояти:

# Кўламли ислоҳотлар Самараси

Бу ўзгаришлар бошида эзгу гоьлар ижодкори бўлган муҳтарам Юртбошимиз тургани наманганликлар бугун гурўр билан тилга олишди. Дарҳақиқат, Президентимизнинг "Наманган шаҳрини 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори кенг қўламли бунёдкорлик ишларида муҳим асос бўлиб хизмат қилаётган.

— Худуднинг мейморий қиёфасини замон талаблари даражасига олиб чиқиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини комплекс жойлаштириш ва мукамаллаштириш, шу асосда аҳоли турмуш фаровонлиги учун муносиб шарт-шароит яратишга йўналтирилган мазкур дастур Наманганда шаҳарсозлигини янги босқичга олиб бериш, — дейди бош меймор Илҳом Исомиддинов. — Утган давр мобайнида барча маблағлар ҳисобидан 270 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди, дастурда кўзда тутилган 175 ишнинг 136 тасида қурилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳосига етказилди. Жумладан, "Фаргона халқа йўли"нинг 10 километрик қисмида 6 катновга мослаштирилган йўл ва йўл ўтказгич иншооти қурилиб, транспорт характи тирбандлигига барҳам берилди. "Дустлик" шохўчаси реконструкция қилиниб, унинг икки четида савдо, маийш хизмат ва сервис шохобчалари барпо этилди. Вилоятнинг ҳаво дарвозаси ҳисобланган аэропорт биноси мукамал таъмирдан чиқарилиб, жаҳон андозаларига мослаштирилди. Эндиликда бу ерда энг йирик "Боинг" русумли самолётларни ҳам қабул қилиш мумкин. Собик ёғ-мой корхонаси ўрнида барпо этилган 8 та кўп қаватли йўлга 190 та хонадон қўйиб кирди. Мазкур худуддаги "Истиклол" кўчасида "Ёшлар спорт мажмуаси" фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, "Яшил дехон бозори", Сардоба, Чорсу дехон бозорлари қўрама қиёфа касб эҳди, Навоий кўчасида "Ёшлар маркази" ишга туширилди. Эътиборли жиҳати, қуриляётган таъмирдан чиқариляётган иншоотларнинг барчаси ўз қурилишига эга, бири-бирини сира тақрорламайд.

### Чирой очётган кишлоқлар

Давлатимиз раҳбари жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириляётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида бундан икки йил муқаддам Наманган вилоятида бўлган эди. Учрашувлар чоғида Юртбошимиз фермерлик ҳаракатининг истиқболлари, чорвачилик, қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатишни ривожлантириш, кишлоқ қиёфасини яхшилаш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш, ёшларни, айниқса, коллеж ва лицейларни битираётган йигит-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратганди. Хусусан, Косонсой туманида фермерлар билан ўтказилган мулоқотда кишлоқ жойларда уй-жой қуришда пухта ўйланган лойиҳалар асосида иш олиб бориш, сифатли қурилиш

материалларидан фойдаланиш, илғимчи сувига бўлган талабни яхшилаш, йўлларни замонавий қилиб барпо этиш лозимлиги ўқтирилди. "Шундай уй қуриш керакки, у етти пуштингача етсин, — деган эди Президентимиз ўша учрашувда. — Авлодларинг ота-боболарим мустақкам уй қураган экан деб, сени эслаб юрсин. Мен орзу қиламан, кишлоқ қиёфасининг ўзгарганини, бу ерда замонавий уйлар қурилганини кўрган шаҳарликлар, хани эди, мен ҳам кишлоқда яшасам, дея ҳавас билан қарасам".

Юртбошимизнинг кўнчаклик билан айтган бу гаплари кишлоқ одамларининг руҳиятини янада кўтарди, эзгу ишларга қанот бағишлади. Чун-

қувчи ўрнига эга икки қаватли мактиб биноси ҳам битди. Айтингчи, ҳеч бир замонда оддий кишлоқ одамига шундай имкониятлар яратиб берилганими? Асло! Фақат мустақиллик турфаиллигига бунга эришдик, қадри-мизни билдик...

Вилоятда кейинги икки йил давомида мазкур йўналишда 20 та йирик лойиҳа асосида 587 та замонавий иморатлар барпо этилди. Жорий йил охирига қадар янги 32 дахда 553 оила ҳовли тўлири ўтказиши режалаштирилган.

Кишлоқлар ҳуснига ярашиб тушган янги даҳаларда ижтимоий инфратузилмани яратиш ишлари ҳам жадал олиб бориляпти, — дейди "Кишлоққурилишинвест" иختисос-

лимини океанортида олмоқда. Уғли билан кунда-кунора телефон орқали мулоқот қилиб, унинг соғлиги, юриш-туришидан бохабар бўлиб турган опанинг дилбандидан кўнгли тўқ.

— Ажойиб замонда яшаймиз-да, — дейди М. Мамаминова. — Энди нафақат катта шаҳарлар, балки олис мамлакатлар ҳам бир қадам бўлиб қолгандай гўё. Мобил телефон турғачларининг босишининг билан сўхбатдошининг худди ёнингизда тургандай саломингизга алик олади. Бундай тараққиёт, бундай қулайлик етказган истиқлолга шукр.

Қўндалик ҳаётнинг зарур воситаларидан бўлган алоқанинг бу қадар жадал равақ топгани, турмушимиз-

ийў олиб, "Қамчиқ" доводинан ошар экансиз, йўлнинг 2200 метр баландидаги энг юкори нуқтасида ҳам телефон алоқасига чиқа олмасиз. Бу ерда вилоятдаги бешта мобил алоқа оператори томонидан тўқинларни сифатли ҳолда тарқатиш ва қабул қилиш имконияти яратилган. Соҳадаги ислохотлар жараёнида ҳаётга халқаро алоқа тармоғи — интернет жадаллик билан кириб келди. Бугун вилоятда ундан фойдаланувчилар сони 230 мингдан ортган. Мобил алоқа операторлари томонидан "3G" технологияси орқали интернет билан биригаликда тасвир ҳам узатилмакда. Таълим муассасаларининг асосий қисми



ликлар устида лапараскопик амалиёт ўтказиш, "Сименс" рентген ускунаси текширувларини камералар орқали ёзиб олиш, бўйрак солитар касалликларини тери орқали пунктуация қилиш, дренажлаш сингари жаҳон тиббиёти утуқлари кенг қўлланилмакда.

Замонавий шифохоналарнинг кишлоқларда ҳам барпо этилиши натижасида бу худудларда тиббиётнинг бирламчи бўлини юзага келди. Кишлоқ врачлик пунктлари қисқа фурсат ичида ҳар жиҳатдан афзал эканлигини исботлади. Бунда, аввало, аҳолининг катта қисми кишлоқларда яшайи эътиборга олинса, тиббий хизмат уларга бутунлай яқинлаштирилгани қанчалик наф бераётгани кўзга ташланади. Қолаверса, айни муассасалар томонидан профилактика ишларининг оммавий равишда йўлга қўйилиши натижасида аҳолининг тиббий саводхонлиги ортди, оилаларда соғлом маънавий муҳит мустаҳкамланмапти. Айни чоғда вилоятда фаолият кўрсатяётган 247 та КВП жамоаси аҳоли ўртасида касалланмишинг олдини олиш, даволаш билан бирга, репродуктив саломатлигини яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борапти.

— Оилар ва болалар соғлигини муҳофазат қилишга тиббиётдаги ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида қаралмакда, — дейди Республика иختисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиали раҳбари Тошўлат Абдуқаримов. — Зеро, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофазат қилиш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаб тургани ҳам беҳиж-га эмас.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**  
**Қудратилла НАЖМИДИНОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**



ИПОТЕКА BANK

Хайт янгиланишлар билан янада жозибали. Зеро, мамлакатимиз шаҳару қишлоқларнинг буғунги қиёфаси ва одамлар турмуш тарзидаги ўзгаришлар иқтисодиётимиз барқарор ривожланиётганидан, ҳаётимиз тобора гўзал ва фаровон бўлиб бораётганидан далолатдир.

Президентимиз томонидан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши банк жамоаси олдида тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш бўйича янги вазифаларни кўйди.

Шу йилнинг олти ойида соҳага 5715,8 миллион сўм миқдорда сармоя йўналтирилгани бунинг далилидир. Натижада улар томонидан хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, қурилиш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилди.



Истиқбол йилларида мамлакатимизда банк тизими ислоҳ қилиниб, Марказий банк томонидан самарали назорат ўрнатилди. Натижада молия муассасалари фаолияти замон талаблари даражасига мослаштирилиб, улар кўмағида халқимиз фаровонлигини оширишга йўналтирилган истиқболли лойиҳалар ҳаётга исчиқ этилаётти.

БАНК ВА КОРХОНА ҲАМКОРЛИГИ

ҳудудлар саноат салоҳиятининг ошишида муҳим омил бўлмоқда

Воҳада ишлаб чиқариш субъектларининг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш, экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини янада рағбатлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Таъсир кўрсатиш эҳтимолини ошириш. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, ички бозорда талабни рағбатлантириш ва ташқи бозорда маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 июндаги "Айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлаётти.

Унинг доирасида жорий йил 11 корхонада 18 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу 35,6 млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва 118 та иш ўрни ташкил этиш имконини бериши билан диққатга сазовордир.

Айни пайтда мазкур йўналишда ишлар жадал олиб борилмоқда. Жумладан, замонавий технологик ускуналарни сотиб олиш ва янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида банклар томонидан миллий ва хорижий валюталарда узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Масалан, гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 4 та корхонага 1,9 млрд. сўм, 4,5 млн. АҚШ доллари ҳамда 1,6 млн. евро миқдорда узоқ муддатли инвестициявий кредитлар берилди. Натижада зарур хом ашё ва материаллар тайёрлаш маҳаллийлаштирилди.

Ижобий самарасини бермоқда. Аҳоли ва ҳўжалик юртувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли банк депозитларига жалб этиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимининг самарали механизми шакллантирилди.

«Узбекистон» эстрада бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Маҳмуд Номозовга паҳари бузуқувчи АЛИМУҲАММАД отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Олий математика кафедраси катта ўқитувчиси ҲАКИМЖОН ТАДЖИЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Table with market data: ОМИХТА ЕМ 379,2 ▲ + 101,0 ШРОТ 260,8 ▼ - 4,6 ШЕЛУХА 100,6 ▼ - 1,7 ПОЛИЭТИЛЕН В-У 460 4296,3 ▼ - 738,6 ПОЛИЭТИЛЕН I-1070 4841,4 ▼ - 78,6 ПОЛИЭТИЛЕН I-1661 4913,5 ▲ + 225 МАЗУТ 351,6 ▲ + 10,5 СЮЛЕТ. ГАЗ 1928,8 ▲ + 126,0 КўМИР(бтк) 37,9 ▲ + 2,1

рида 2170,4 миллион сўм ўрнига 2332,5 миллион сўмлик кредитлар берилди. Вилоят бўйича эса бу кўрсаткич 10719,4 миллион сўмни ташкил этиб, режа 165 фоизга бажарилди.

ди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Чунки филиал жамоаси ишлаб чиқариш корхоналарининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда.

Президентимизнинг "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш, уларнинг негизда барқарор ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этишда дастуриламал бўлмоқда.

метр квадрат шундай маҳсулот тайёрланмоқда. Замонавий бино ва иншоотларга жило беришда фойдаланиладиган бу қурилиш ашёларига нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам талаб ниҳоятда юқори. Сабаби, гранит тошлари кўриниши ўта жозибали бўлиб, сифат бора-бора ҳам мақтовга лойиқ.



«Ипотека-банк»: САРМОЯЛАР - ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРГА

мисолида ҳам кўриш мумкин. Табиийки, бунда банкнинг молиявий кўмағи катта бўлаётти. Айтилиши, шу йилнинг биринчи ярмида 1186,6 миллион сўмлик кредитлар тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

банкрот корхоналар тижорат банклари балансига ўтказилиб, иқтисодий жиҳатдан соғломлаштирилади. «Ипотека-банк»нинг Навоий вилоти филиали томонидан Фармон ижросини таъминлаш мақсадида кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилаётти.

га қараганда, "Лангар" кони захираси 1139,7 минг, "Кўксарой" кониники эса 3315,9 минг тонна ташкил қилади. Хозирги кунда бу икки қарьерда 20 нафар бурғилувчи фаолият кўрсатмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган ноёб қурилиш материалларининг бир қисми мамлакатимизда бунёд этилаётган улкан биноларни пардозлашда ишлатилса, салмоқли қисми, аниқроғи, йилига 1,5-2 минг метр квадрат маҳсулот экспорт қилинаётти.

лион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. — Навоий шахридаги қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган, 116 хонадонга мўлжалланган 7 қаватли тураржой биноси, поликлиника ва савдо растанлари ҳам "Ипотека-банк"нинг вилоти филиали молиявий кўмағида рўёбга чиқарилаётти, — дейди "Темир Малик" МЧЖ бош архитектору Ёлгор Гадов.

Бундан ташқари, филиал томонидан Президентимизнинг тегишли қарорларига мувофиқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 927 миллион сўм, ноозик-овқат истеъмол товарлари тайёрлашни кўпайтиришга 179 миллион сўм маблағ ажратилди.

қаддини тиклаш бошлади. Бунинг учун дастлаб корхона негизида "Навоий-Гранит" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, 300 миллион сўм миқдорда инвестиция киритилди.

«Навоий-Гранит» МЧЖ Италиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозлангани ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бериши билан, тош кесиш ускунаси ёрдамида йилга 36-40 минг метр квадрат гранит тошларини кесиш имконияти мавжуд.

Корхона ишчиси Зафар Уроловнинг тушунтиришича, ушбу тош кесиш арасининг афзал жиҳатлари кўп. Чунки у билан тошларнинг қалинлигига қараб, бир пайтнинг ўзида 26 тадан 40 тагача тошга ишлов бериш мумкин.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан "Ипотека-банк"нинг ҳудудий филиалларида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, 100 миллион сўм кредит берилган "Эра Навоий Трайдинг" масъулияти чекланган жамияти ушбу маблағни қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйишга сарфлади.

— Мазкур маблағ ҳисобига хорижий замонавий технологик линиялари олиб келиниб, цехлар қайта жиҳозланди, — дейди "Навоий-Гранит" масъулияти чекланган жамиятининг ижрочи директори Насимжон Маҳмудов.

Италиядан келтирилган янги технологик линияда эса плиталар бюртамачининг талабидан келиб чиқиб, турли ўлчамларда кесиб берилади.

Италиядан келтирилган янги технологик линияда эса плиталар бюртамачининг талабидан келиб чиқиб, турли ўлчамларда кесиб берилади.

Муҳтасар қилиб айтганда, "Ипотека-банк"нинг вилоти филиали томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида амалга оширилаётган бу каби кенг қўламли ишлар ҳудудда тадбиркорлик ҳаракатининг ривожланишига, аҳоли бандлигининг таъминланишига, пировардида, иқтисодиётимизнинг жадал тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ҳандам ЭШОНҚУЛОВ.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти. Куйидаги йўналишларда юрларни ташиш учун автотранспорт хизматларини кўрсатиш бўйича танлов эълон қилади: Тошкент ш. — Самарқанд ш., Самарқанд ш. — Самарқанд вилотидаги барча туманлари; Тошкент ш. — Қарши ш., Қарши ш. — Қашқадарё вилотидаги барча туманлари; Тошкент шаҳри ҳудудидида. Қўшимча маълумотлар (иш ҳажми, юк оғирлиги, керак бўладиган транспорт русуми) мурожаат қилган ташкилотларга берилади.

UZTRANSOAZ «ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ. Ҳурматли юртдошлар! Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

ACCENT HYUNDAI Official Partner. Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км. www.hyundai.com.uz Tel. (8-371) 250-11-11. NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.



**Талкин** Ватанга муҳаббат туйғуси ҳазрат Алишер Навоий ижодида алоҳида максадага эга. “Ватанни севмоқ иймондан-дир” мазмунидаги муборак ҳадиснинг шoir бадий талқинидаги “Ватан хубби иймон нишонни дурур” тарзидаги ифодаси шунчаки шоирона ташбиҳ эмас. Бу гўзал поэтик

Ҳазрат Навоий асарларида бу туйғунинг нечоғли муқаддас экани теран мазмун ва гўзал бадият мутаносиблигида тасвирланган. Шоир Ватан ва миллатни, она-юрт ва эл-улусни яхлит тасаввур этади, чамбарчас боғлиқликда кўради. Шунинг учун “Садди Искандарий” да ўзи туғилиб ўсган Хуросонни васф этгани ҳолда, ҳаётида унутилмас из қолдирган қадрли Самарқандни жаннатфизо ва эрамҳаво маскан сифатида улуғлайди, “Самарқанди фирдавмонанд” тарзида таъриф этади. Буюк бобоклонимиз асарларида Ватанни улуғлаш ба-робарида, уни обод қилиш, ганимлардан ҳимоялаш маса-


умумлашма замирида чинакам комил шахснинг ҳаётий эътиқоди, аъмоли акс этган, десак, асло муболага бўлмас. Улуғ бобоклонимиз назмдаги бетакрор бадий талкин орқали ҳам, барча авлодларга намуна бўларли амалий фаолияти билан ҳам Ватанга муҳаббат қандай бўлмоғи зарурлигини юксак даражада исботлаган.

Хумомиддин ўғли Хондамир “Мақоримул-ахлоқ” да ёзишича, улуг бобоклонимиз ўз хусусий мулкани она-юрт манфаати йўлига сарф этиш борасида беқиёс ибрат кўрсатган. Жумладан, мазкур асарда номма-ном саналганидек, у 60 тадан

равнақини эл-улус кўнглининг ободлиги билан уйғун деб билди. Баъзан бутун бир музофот халқига солинган солиқни ўз ҳисобидан тўлаб юбориши, Их-лосия мадрасаси ҳузуридаги Халосия хонақоҳида ҳар куни минглаб етим-есир, бева-бечорага лазиз таомлар улашиб, бош-оёқ кийим-кечак инъом этиши, мудом ёнида муайян миқдорда маблағ олиб юриб, ночорларга эҳсон қилиши ҳам беқиёс ибратдир.

Табиийки, Ватанга муҳаббат мавзуини бир кичик мақолада зарур даражада қамраб олиш маҳол. Ана шу мухтасар фикр-лашувдан ҳулоса қилиш мумкинки, ёш авлодди ватанпарварлик, миллатсеварлик руҳида тарбиялашда ҳазрат Навоийнинг асарлари қанчалик қимматли бўлса, шахс сифатидаги намунаси ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Нурбой ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Миллий университети профессори.



Сийрат

Шарқ шеърятини меҳрни, муҳаббатни, ошиқликни куйлаган шеърятдир. Мавлоно Румий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк сиймолар ҳаётга муҳаббатни борлик, қонот билан ягоналик воситасида талқин этадилар. Ёру биродарликни, инсонга меҳр қўйишни, яхшилик, эзгуликка эътиқодни ҳам ишқ мазмунига сингдирадилар.

## САХОВАТ ЧАШМАСИ

Навоий наздида, ишқ — пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдир, шундан пок кўнгли пок юз ошубидан кўзғалади (уйғонади, туғёна келади). Шу кўзғалиш асосида пок мазҳар воситасида ошиқу покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолдан баҳра олади. Демак ишқ — соф поклик. Унга нисбатан тоза ва пок муносабатда бўлмоқ жоиз.

Шунинг билан бирга Навоий “Ўт”, “Шуъла”, “Бало”, “Балоқаш кўнгли”, “Меҳнат қора шоми”, “Хусн”, “Хусн анвори” каби сўзлар ва ибораларни “Ишқ” — теграсига жойлаштиради. Ва ўз асарларида бирма-бир ушбу сўзлар “ас-рорларидан” воқиф этади. Ишқ азобсиз, ўт-алангасиз кечмаслиги аён. У кўнглини минг бир “бало”га грифтор қилади, умуман, ошиқ кийинчиликсиз, изтироб, кийноқларсиз ёр васлига етиши даргумон.

Навоий таъкидлайдики, меҳру муҳаббат азалдан инсон боласининг хилқатида мавжуддир. У “руҳ майи” бирла жисмга кириб келади ва маст этади. Рух олами-нинг гўзаллиги, хусни беҳад зиёда. Инсон жисмига таралган меҳр оҳанрабои шу беҳудуд гўзаллик оламидан тушган шуъладир. Инсон булбул гулга ошиқ бўлиб сайрагандай, шу шуъладан маст, Мажнун каби ошуфтадир.

Ишқ чу туғёни камол айлади, Ошиқ ўзин шефтаҳол айлади, Хусн доғи жилва қилиб бепесанд, Зулфа топширди балодин каманд. Тушти жаҳон мулкига гавғо ишқ, Бўлди замон аҳлига яғмоий ишқ. Шоир ишқнинг фақат шу жиҳатлари билан чегаралан-

май, муҳаббатнинг тарбиявий аҳамиятига ҳам юксак баҳо беради, инсон камолоти учун жуда зарур эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Алишер Навоий аминки, кўнглида эзгулик ўти аланга олган одам ёмонликка қўл урмайди, ўзгаларга ҳам ёмонликни раво кўрмайди. Зеро, у меҳр-саховат чашмасидир. Кўнглида ёқилган чирок кўнглини ёритиб, илм-маърифатга макон этади. Инсонни гўзаллик сари етаклайди, гўзалликнинг сиру асрорини кашф этишга ундайди. Дидини, фаросатини, зеҳни ва қобилиятини чарқалайди. Албатта, ишқ учун асосий восита “хусн” — гўзаллик энг таъсирчан манбадир.

Ишқ аён қилмоқ эрур хусн иши... “Хусн” пайдо қилган меҳр тош кўнглиларни еритиши, жоҳилни раҳмдил кишига айлантириши мумкин. Муҳаббат ақлининг иши эмас, аксинча, бу туйғу ақлдан устун келади. Сидқу садоқат, вафо бўлмаган жойда ошиқлик ҳам бўлмағай.

Бўлмаса ишқ, Икки жаҳон бўлмасун, Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун, Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ, Хусни нетсун кишининг они йўқ. Шақ-шуъбасиз, бу улуг фазилатнинг биринчи белгиси вафодир. Вафо ишқнинг биринчи шarti, “ёрлик ше-васи”нинг қоидаси, пойдеворидир. Тўғри, вафо тушун-часи ишқ тушунчасига нисбатан бирмунча торроқ. Шунга қарамай, бу икки ту-шунча бири-бирига алоқа-дор. Боиси, вафо муҳаббат-да кўринади, синалади.

Сўрса отин ақли сафо жавҳари, Оқ чекиб деки вафо гавҳари. Инсон муҳаббат билан тирик — Навоийнинг эътиқоди шу. Бу эътиқод зами-рида меҳр ҳам, вафо ҳам мужассам.

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ, филология фанлари доктори, профессор.

## Бокий мерос

Навоий шеърятини дунё, замон, одамлардан шикоят оҳанглари шунчаки ҳасрат тарзида эмас, балки юксак бадият пардасига ўралган ҳолда ифода этилади. Жумладан, ҳаётнинг қувончи, ғаму қайғуси кўп, деган фикрни мана бундай факуллода ва оҳорли ташбиҳ орқали тасвирлайди:

Қолди хуррамлик фалақдин ташқари, кўр, эй рафиқ — Ким, қазо наққошининг не гардишипаргори бор.

## ҲАЁТ ДАРСИ, ТИРИКЛИК САБОФИ

“Қазо наққоши, яъни Яратган бу фалақ тарҳи (лойиҳасини) чизганида, хурсандчилик у чизган чизикдан ташқарида қолди. Кўрдингми, унинг нигоҳи неларга қодир?”

Шоир шеърятини шикоят оҳанглари кўпинча тас-кин туйғулари билан ҳам қўшилиб кетади. Чунончи, куйидаги байтнинг биринчи мисрасида у қотил санам-нинг ўқидан кўнгли илматешик бўлиб кетди, деб нолир экан, кейингисидан шундан ҳам бир яхшилик топади: дурут бўлди — жон қушининг қиқиши учун ҳар бир тешик бир йўл бўлди, дейди:

Бўлди равзан-равзан ул қотил хадангидин кўнгул, Жон куши чикмоққа бир йўл англа ҳар равзан манга.

Яна ёзади: Кўхи ғам тортарга хасдек жисм ила бел боғладим, Остига қолмишмен андоғким самон девор аро.

“Хасдек нозик жисмим билан ғам тоғини кўтаришга бел боғлаган эдим, лекин девор орасидаги сомондек унинг остида қолдим”.

Бу ерда ҳам гўзал таш-биҳ бор, лекин шикоят оҳан-



## Ватан каби мангу Навоий

Тирикликнинг бонги Навоий, Буюкликнинг ранги Навоий.

Бир ёришди зим-зиё олам, Туркийларнинг тонги Навоий.

Беш асрлик рўдир дунё, Беш асрлик ўнги Навоий.

Бир уммонким, ибтидоси йўқ, Йўқдир унинг сўнги — Навоий.

Ўтган сайин илдамлаб кетгай, Борган сайин янги Навоий.

Ватан каби поёни йўқдир, Ватан каби мангу Навоий.

Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири.

## Ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўлмас “Хамса” таркибидаги дostonлари, беқиёс “Хазойин ул-маоний”ни ташкил этган шеърятини, ўн тўрт номдаги насрий асарлари билан адабиётимизни бойитган, уни жаҳон адабиёти юксаклигига кўтарган, илғор башарият-нинг маданият хазинасига улкан ҳисса қўшган ижодкордир.

Суййма ҒАНИЕВА, навоийшунос олима, профессор.

## БЕҚИЁС МАЪНАВИЙ ХАЗИНА



### Таассурот

Замин ўз ўқи атрофида айланганидек, Алишер Навоий шеърятини ҳам ишқ теграсида ҳаракат қилади. Навоий ижодиётида ишқ — гўзаллик, руҳ, ахлоқ, дин, фалсафа, эрк, абадият каби тушун-чалар қамраб олингандир. Навоий ишқ номи билан инсонни улуг-ловчи илоҳий сирларни тадқиқ этади, буюк шоир тасвиридаги ҳақиқий ишқ кечинмалари инсон ва Яратган орасидаги руҳий яқинлик, бирлик туйғуларини ифодалайди.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ, филология фанлари доктори, профессор.

Навоий ўзининг сиёсий ва ижтимоий фаолияти билан халққа ниҳоят даражада манзур бўлди. У ўз шеърятини туфайли чинакам зўр обрў қозонди. Кобулдан тортиб Фарғона, Озарбойжон, Қримгача,

туркий халқлар яшаб турган ўлкаларнинг ҳаммасида унинг шеърятини асрлардан бери яшаб келмоқда.

Альфред КУРЕЛЛА, немис ёзувчиси.

## Ҳам шогирд, ҳам фарзанд

Навоий Машҳалда Сайид Ҳасан Ардашер ва Камол Турбатий каби ўз даврининг машҳур шоирлари билан танишади. Навоий билан танишган маърифатпарвар кишилар унинг қобилиятига тан берган ва у билан умрбод дўстона муносабатда бўлиб қолган.

Навоий тахминан 18-19 ёшларида Абдураҳмон Жомий билан учрашади. Навоийнинг билими ва қобилиятидан мамнун бўлган Жомий уни ҳам шогирд, ҳам фарзанд деб билади.

Алишер Навоийнинг Самарқанддаги сиёсий ва давлат фаолияти юқори баҳоланиб, унга “Чигағой амири” унвони берилган.

Ҳазратнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари ислом дини тарихи билан боғлиқ ривоятлар ва адабий асарларни, хусусан, бир қатор пайгамбарлар ҳаёти-ни, Букрот, Афлотун, Батлимус каби доғишман-ларни билиб олиш учун муҳим манбадир.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 279,8 ▲ +8,1 ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 249,6 ▲ +3,0 АРМАТУРА 3343,0 ▲ +8,1 ШИФЕР (1 лист) 15800 ▲ +21 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 52196 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.  
Навбатчи — Ф. Абилов.  
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5